

**ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Вакили ва ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги Ваколатхонаси
Рахбари Ян Хладикнинг 2020 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон мустақиллиги куни
муносабати билан йўллаган табриги**

Хурматли хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар,

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси номидан, шунингдек ўз номидан сизларни
Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриклашдан мамнунман.

Ўзбекистон қадимий тарихга ва ноёб кўчар ва кўчмас мулкка, моддий ва номоддий маданий
меросга эга мамлакат. Ушбу заминда саховатли, меҳнатсевар ва кўп миллатли, маданий хилма-
хиллиги билан ажралиб турадиган инсонлар яшайди.

1993 йилдан буён Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг 193 аъзо давлатларидан биридир. 1996 йилда
Тошкентда Ташкилотимизнинг ваколатхонаси очилиши ҳамкорликни мустақкамлаш ва
Ўзбекистонда ўз ваколатларимизни амалга ошириш учун муҳим ва кенг имкониятларни
яратди.

Биз Ўзбекистоннинг тегишли органлари билан таълим тизимини такомиллаштириш ва ислох
қилиш, журналистларнинг сўз эркинлиги ва хавфсизлиги, сув ресурсларини бошқариш ва
моддий, ҳамда номоддий маданий меросни сақлаш каби муҳим соҳаларда ҳамкорлик
қилмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ж.О.нинг 2018 йил октябрь ойида
ЮНЕСКОнинг қароргоҳига ташрифи, шунингдек, ЮНЕСКО Бош директори Одре Азулайнинг
2019 йил август ойида Самарқанд ва Бухорога ташрифи иккала шерик ўртасида ишлаб
чиқилган «Йўл харитаси»га мувофиқ ҳамкорликнинг муҳим босқичлари бўлди.

Бизнинг Ўзбекистондаги янги ва жуда муҳим лойиҳаларимиздан бири – Европа Иттифоқи ва ЮНЕСКОнинг касб-хунар таълими ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш орқали Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма дастури.

2020 йилдан 2024 йилгача ЮНЕСКО ушбу лойиҳани тўртта ҳудудда: Қорақалпоқистон, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида, Ўзбекистоннинг тегишли вазирликлари ва бошқа манфаатдор томонлари билан биргаликда амалга оширади.

Мен ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги барча шериклари билан ҳамкорлигини янада ривожланишига чин дилдан умид қиламан, чунки фақат ўзаро ҳамкорлик орқали биз ўз вазифамизни бажара оламиз ва Ўзбекистонбарқарор ривожланишига ўз хиссамизни қўша оламиз .

Мактубимякунида Ўзбекистон халқига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт ва касбий фаолиятда муваффақиятлар тилаб қолмоқчиман

Катта раҳмат!